

**ФОСФОР, АЗОТ, БОР ВА МЕТАЛЛ ТУТГАН АНТИПИРЕННИ
СКАНЕРЛОВЧИ ЭЛЕКТРОН МИКРОСКОПДАГИ ТАСВИРИНИНГ
ТАҲЛИЛИ**

Yo'ldosheva Nazokat O'ktam qizi

Qarshi davlat texnika universiteti

Assistenti

Ёғоч ва бошқа материаллар учун антипиренлар битта компонентдан иборат бўлиши ёки бир нечта моддаларни ўз ичига олиши мумкин.

Азот ва фосфор тутган бирикмалар асосида олинган ёнғинбардош композицияларда синергетик таъсир кузатилиб, бундай композицияларнинг таъсири фақат фосфор ёки фақат азот ўз ичига олган бирикмалар асосидаги композициялар самарадорлигидан юқори. Азот-фосфор тизимининг синергизми термик парчаланиш жараёнида P-N боғланишларини ҳосил бўлиши билан изоҳланади, бу эса фосфорилланишни осонлаштиради ва сувсизланиш катализатори сифатида ёнғинга қарши воситаларнинг таъсирини кучайтиради.

Ёғоч учун антипирен сифатида энг кўп ишлатиладиган кимёвий элементлар фосфор, хлор, бром, бор ва азотдир.




Оловдан ҳимоя қилувчи воситаси билан қайта ишлаш, ёки ишлов бериш - бу ҳимоя воситаларининг юзасига ёнғинга чидамли маҳсулотларни суртиш, ёғоч материалларига ўтга чидамли эритмаларни сингдиришдир. Юзаки ва чуқур сингдириш усулларини фарқлаш лозим. Ёғочни сиртга сингдириш билан унинг юзасида оловдан ҳимоя қилувчи қатлам ҳосил бўлади. Ёғочга оловдан ҳимоя қилувчи эритма билан ишлов бериш махсус жиҳозланган автоклавларда амалга оширилади, бу чуқур сингдиришни таъминлайди.

Сувда эрийдиган антипиренлар бир қанча афзалликларга эга бўлиб сиртга қўллаш қўлай, иқтисодий самарадор, экологик тоза ва юқори ёнғинбардошлик хоссаларига эгадир.



Тадқиқотлар натижасида синтез қилинган фосфор, азот, бор ва металл тутган антипиреннинг сувли эритмаси ёрдамида ёғоч ва ёғоч материалларига ишлов берилганда уларнинг ёнғинбардошлик хоссаси яхшиланди. Синтез қилинган антипирен билан ишлов берилган ёғоч намуналари сканерловчи электрон микроскопдаги (SEM) тасвири қуйида келтирилган.



European science international conference:
STUDYING THE PROGRESS OF SCIENCE AND ITS SHORTCOMINGS



Электронное изображение 7



Расм. Синтез қилинган фосфор, азот, бор ва металл тутган антипирен билан ишлов берилган ёғоч намунасининг сканерловчи электрон микроскопда а) 100, б) 1000, в) 2500, г) 200 баробар катталаштирилган тасвирлари

Олинган тасвирлардан антипирен эритмаси билан ишлов берилган ёғоч намуналари юзасида антипирен малекулалари бир хилда тарқалганини кўриш мумкин. Фосфор, азот, бор ва металл тутган антипирен эритмаси билан ёғоч ва ёғоч материалларига ишлов берилганда, улар ўз хоссаларини ва ёнғинбардошлик хоссасини яхшиланиши аниқланди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Э.Н. Нуркулов., Х.С. Бекназаров., А.Т. Джалилов., Д.А. Набиев Исследование и применение фосфор, азот, бор и металл содержащих антипиренов для повышения огнестойкости свойств древесины// UNIVERSUM: ТЕХНИЧЕСКИЕ НАУКИ. Выпуск: 8(77) Август 2020 Часть 3. с-43 Секция 2.Органик моддалар кимёси ва кимёвий технологияси.